*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2014 йил
**3 май**
ШАНБА
**№ 36** (12672)

www.th.uz

2014 йил – Соғлом бола йили

## КЕЛАЖАК УЛАР ҚЎЛИДА



Ўрта Чирчиқ туманидаги А. Йўлборисов номли маҳалладаги 37-мактабда анъанавий "Ватан, дўстлик ва халқпарварлик учун" тадбири бўлиб ўтди.

Туманнинг 73 та умумтаълим мактабларидан ўнлаб болалар ушбу тадбирда иштирок этдилар. Ташкилотчилар — "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда "Камалак" болалар ташкилоти ушбу байрамнинг қизиқарли ўтиши учун барча шароитларни яратишди. Мактаб ҳовлисида ўқувчиларнинг ижодий ишлари кўргазмаси ташкил этилди. Болалар ва қизлар ўзларининг турли-туман миллий совғалари, ясаган қўғирчоқлари билан қатнашишди. Мактабларнинг болалар рақс жамоалари турли хушбичим кийимларда чиқишлар қилишди.

(Давоми 2-бетда).

Бунёдкорлик

*"Йўл қурган элда азиз" дейишади. Донишманд халқимиз топиб айтади. Йўл юраётган кишининг хаёллари толиқмайди. У олис-яқин манзилларга отланар экан, йўл бўйи манзараларга, табиат чиройига, ён-атрофда содир бўлаётган воқеликларга ошно бўлади, дили яйраб, масофа яқин кечади. Мустақиллик йилларида барпо этилган равон йўллар, обод ва фаровон гўшалар барчага ана шундай хушкайфият бахш этмоқда. Йиллардан йилларга равонлашиб, олис манзилларни яқинлаштириб бераётган йўл қурилиши соҳасидаги улкан бунёдкорлик ишлари киши ҳайратига ҳайрат қўшади.*

## ОБОД МАНЗИЛЛАРГА ЭЛТУВЧИ ЙЎЛЛАР






Мустақиллик йилларида вилоят йўл-транспорт инфратузилмаси такомиллаштирилиб, янги автомобиль йўллари қурилгани, мавжудлари реконструкция қилиниб, сифатли таъмирлангани иқтисодиётимиз тараққиётига ҳисса қўшибгина қолмай, аҳолига катта имконият ва қулайликлар яратмоқда. Бу йўллар ўтган жойлар обод масканларга айланиб, турмуш фаровонлигига хизмат қилмоқда.

"Тошкентавтойўл" ҳудудий йўллардан фойдаланиш ташкилоти умумфойдаланувдаги автомобиль йўлларини давлат йўли билан бошқарадиган махсус ваколатли ташкилотдир. Йўлларни лойиҳалаш, қуриш, реконструкциялаш, таъмирлаш, сақлаш, улардан фойдаланишда автомобиль воситалари ва йўловчиларнинг мунтазам ва хавфсиз ҳаракатланишини таъминлаш – ташкилот жамоаси фаолиятининг асосий мезони. Мустақиллик йилларида вилоят ҳудудида халқаро андоза ва талабларга жавоб берувчи 261 километр автомобиль йўллари, 860 метр ўтиш йўли ва 1787 метр кўприклар қурилиб, реконструкция қилинди.

– Кейинги йилларда йўлсозлик соҳасини тубдан ислоҳ қилишга қаратилган Президент ва ҳукумат қарорлари доирасида талайгина ишлар амалга ошириляпти, – деди "Тошкентавтойўл" ҳудудий йўллардан фойдаланиш ташкилоти раҳбари Худойберган Тўлаганов. – Чунончи, 2006 йилдан бошлаб ҳар йили умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш дастурлари ҳукумат қарорлари асосида тасдиқланадиган бўлди. Ҳозир вилоятимиз ҳудудида 3960 километр умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари бўлиб, шундан 400 километри халқаро, 1236 километри давлат ҳамда 2324 километри маҳаллий аҳамиятга эга.

Президентнинг "2009-2014 йилларда Ўзбекистон Миллий Автомагистралини реконструкция қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори доирасида халқаро талаб ва андозаларга жавоб берадиган тўрт йўлакли халқаро автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкциялашга катта аҳамият берилмоқда. Бунда, ягона миллий йўл-транспорт тизимини яратиш, унинг негизида автотранспортда юк ташишни кўпайтириш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш мақсад қилинган. Автомагистралнинг вилоят ҳудудидан ўтувчи қисмини қуриш билан Фарғона водийси аҳолисини республикамизнинг бошқа вилоятларига боришлари учун катта қулайлик яратилди. Ўрта ҳисобда йўл 70-75 километрга қисқариб, шунга яраша сарф-харажат ҳам тежалмоқда.

(Давоми 2-бетда).

### ТАДБИРЛАР, ТАКЛИФЛАР

**1 МАЙ.** "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди Ўзбекистон Бадиий Академиясининг Тошкент фотосуратлар уйида хайрия тадбири ўтказди. Унда пойтахт ва Тошкент вилоятида истиқомат қилувчи 14 нафар имконияти чекланган болаларга "AmeriCares" халқаро ташкилотининг ногиронлик аравачалари топширилди.

**2 МАЙ.** Олмалиқ шаҳридаги 15-умумтаълим мактабида рус тили фани бўйича вилоят амалий семинари ўтказилди.

**2 МАЙ.** Ўзбекистон Миллий матбуот марказида "Ўзулгуржисавдоинвест"нинг "Ички истеъмол бозорида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда чакана савдо тармоғини кенг турдаги истеъмол товарлари билан таъминлаш бўйича уюшма тизимидаги улгуржи савдо базалари фаолияти" мавзуидаги матбуот анжумани бўлиб ўтди.

**3 МАЙ.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 7 апрелдаги "Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ҳамда 2014 йил 15 апрелдаги "Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ тартиботларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори мазмун-моҳияти, шунингдек солиқ қонунчилигидаги сўнгги янгиликларни жамоатчиликка етказиш мақсадида вилоят Давлат солиқ бошқармаси пойтахтдаги "Ўзэкспомарказ" биносида кўргазмали семинар ташкил этмоқда.

**5 МАЙ.** Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти Женева конвенцияси қабул қилинганлигига 150 йил тўлиши муносабати билан Миллий матбуот марказида оммавий ахборот воситалари учун анжуман уюштирмоқда.

**6 МАЙ.** Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят кенгаши "Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ўз мутахассисликлари бўйича ишга жойлаштириш: муаммо ва ечимлар" мавзуида тадбир режалаштирган. У Қибрайдаги Байтқўрғон иқтисодиёт ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежида ўтказилади.

**14 МАЙ.** Вилоят адлия бошқармаси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, банк, солиқ, божхона, тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекциялари, шунингдек, турли йўналишда фаолият кўрсатувчи тадбиркорлар иштирокида "Тадбиркорлик фаолияти иқтисодий тараққиёт асоси" мавзуида анжуман ўтказади.

Оилавий бизнес

## ТАЪМИ ОҒЗИНГИЗДА ҚОЛАДИ

**Юқори Чирчиқ тумани "Дўстлик" маҳалласида яшовчи Равшан ва рафиқаси Умида Отаматовлар оилавий бизнесни йўлга қўйишганига энди бир йил бўлди.**



Улар тайёрлаётган қандолат маҳсулотлари қўни-қўшни, маҳалла-кўйнинг тадбир ва байрам дастурхонларини безаяпти.

— Ишни банкдан кредит олишдан бошладик, — деди Равшан Отаматов. — Унга керакли жиҳозларни сотиб олдик. Секин-аста ёнимизга шогирдларни тўпладик.

Турли савдо фирмалари тадбиркорга ун, тухум, маргарин ва қадоқлаш қутиларини мунтазам етказиб турибди. Талабга яраша, маҳсулотларнинг тури 10 тага яқинлашиб қолди.

**Азамат АҲМЕДОВ олган сурат.**

Ташриф

**Ўзбекистонда мактаб, ўрта махсус ҳамда олий таълим тизими жаҳон андозалари талаблари асосида ислоҳ қилинаётганидан мақсад ҳар томонлама комил ва жисмонан бақувват ёш авлодни тарбиялаб, етиштиришдир. Зеро, жадал ривожланиб бораётган XXI аср иқтисодиёти учун айнан саводли, илмли, илғор технологияларни мукаммал эгаллаган мутахассислар керак.**

## ОЛИЙ ТАЪЛИМ БИЛАН ТАНИШУВ

Республикамизда аккредитация қилинган дипломат ҳамда халқаро ташкилотлар раҳбарлари рафиқалари Тошкент давлат аграр университетига ташриф буюришиб, ушбу йўналишда олиб борилаётган муҳим ишлар самараси билан танишдилар. Тадбир ташкилотчилари бўлган вилоят хотин-қизлар қўмитаси ҳамда "Ҳамдўстлик" клуби қатнашчилар учун ранг-баранг ва қизиқарли дастур тайёрладилар. Хусусан, Аграр университет мамлакатнинг қишлоқ хўжалик тармоғи учун етук мутахассислар тайёрлаб берадиган ҳақиқий кадрлар ўчоғидир.

Вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиева ва университет раҳбарлари чет эллик меҳмонларга олий ўқув юрти фаолияти ҳақида батафсил ҳикоя қилиб бердилар. Меҳмонлар замонавий ускуналар билан жиҳозланган аудитория ва лабораторияларни кириб кўрдилар. Мевачилик-сабзавотчилик ва узумчилик, қишлоқ хўжалигини механизациялаш факультетлари фаолияти билан танишдилар.

– Биз назарий билимларни амалий машғулотлар билан қўшиб олиб боришга алоҳида аҳамият қаратяпмиз, – деди мевачилик-сабзавотчилик ва узумчилик факультети декани Камолиддин Султонов. – Шунингдек, талабаларга чет тилларни чуқур ўргатиш ҳам доимий диққат марказимизда. Зеро, ёш мутахассис у ёки бу жойга ишга боргач, ўз малакасини мунтазам ошириб бориши, сўнгги кашфиёт ва янгиликлардан хабардор бўлиши зарур. Бунинг учун эса, у тегишли адабиётларни топиб, ўқий олиши керак. Тил билмай туриб эса, бунга эришиш қийин.

Шунингдек, меҳмонлар университетнинг ахборот-ресурс маркази, яқинда таъмирланган талабалар ётоқхонаси ҳамда спорт мажмуалари билан ҳам қизиқиб танишишди.

– Олий ўқув юртингиз бизда ёқимли таассурот қолдирди, – деди Британия элчиси рафиқаси Елена Эдгар. – Жуда кўплаб талабаларингиз инглиз тилини мукаммал эгаллашибди. Энг муҳими, улар бўлажак касблари хусусида ҳозирданоқ кенг ва чуқур тушунчага эгалар. Зеро, бу ерда уларнинг яхши билим олишлари ва вақтида ҳордиқ чиқаришлари учун ҳам ажойиб шарт-шароитлар яратилган экан.

(Давоми 2-бетда).

Эътироф

## «ДУНФАН ЦЗАОБАО» ГАЗЕТАСИ СОҒЛОМ БОЛА ЙИЛИ ҲАҚИДА

**Яқинда Шанхайда чоп этиладиган оммабоп "Дунфан Цзаобао" газетаси саҳифасида "Ўзбекистон 2014 йилни "Соғлом бола йили", деб эълон қилди" сарлавҳаси остидаги мақола босилиб чиқди.**

Чжоу Цзинь қаламига мансуб ушбу мақолада аҳолининг ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиниши, айниқса, жисмонан соғлом ва маънан баркамол авлодни тарбиялаш Ўзбекистонда давлат сиёсатининг энг муҳим устуворликларидан бири эканлиги алоҳида таъкидланади. Бундан олдин ҳаётга татбиқ этилган "Она ва бола йили", "Баркамол авлод йили", Оила йили" сингари Давлат дастурлари доирасида ҳам кенг қамровли ишлар амалга оширилган эди", деб ёзади у.

Нашрда қайд этилишича, "Соғлом она – соғлом бола" умуммиллий дастури доирасида ҳаётга татбиқ этилган улкан ишлар мамлакат ва жамият тараққиёти учун биринчи даражали аҳамиятга эга бўлган вазифаларни ҳал этиш имконини берди. Шу тариқа мамлакат соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислоҳ этиш давомида она ва бола саломатлигини ҳимоя қилишнинг миллий модели яратилдики, у бугунги кунга қадар бутун дунёда ўз эътирофини топди.

Шунингдек, газета 2014 йили Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлашга, тиббиёт муассасаларини замонавий юқори технология асбоб-ускуналари билан жиҳозлашга ҳамда улар юқори малакали кадрлар билан таъминланишига янада катта эътибор қаратилишини ўз ўқувчиларига маълум қилган. Муаллиф қайд этганидек, Ўзбекистонда кўп тармоқли болалар марказини қуриш кўзда тутилган ва у Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ҳудудида ягона марказ бўлади.

Нашр Ўзбекистонда ота-онасиз ва имконияти чекланган болаларга алоҳида эътибор қаратилиши хусусида ҳам атрофлича тўхталган. "2015-2017 йилларда Меҳрибонлик уйлари, ихтисослашган мактаб-интернатлар ва мактабгача тарбия муассасаларининг моддий-техник базасини босқичма-босқич мустаҳкамлаш, ривожланган мамлакатларнинг илғор тажрибаси ҳисобга олинган ҳолда ўқув-тарбиялаш жараёнларини тубдан такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар кўрилади. Соғлом боланинг тарбияланишида, оилаларга, биринчи навбатда, ёшларга ўз вақтида моддий ва маънавий кўмак кўрсатилиши борасида маҳалла институтининг ролини оширишга, унинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтиришга катта эътибор қаратилмоқда", деб ёзади газета.

**"Жаҳон" АА.**

Бунёдкорлик

# ОБОД МАНЗИЛЛАРГА ЭЛТУВЧИ ЙЎЛЛАР

Шу каби йирик лойиҳаларнинг амалга оширилгани автотранспорт воситалари ва йўловчилар ҳаракати хавфсизлиги таъминланмоқда. Туман ва шаҳар марказлари ўртасида транспорт алоқаси йўлга қўйилди. Бу вилоятнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланишига катта ҳисса қўшмоқда.

"Тошкентавтойўл" ташкилоти автомобиль йўлларини таҳлил қилиш бўлими бошлиғи ўринбосари Ҳасан Уккиевнинг таъкидлашича, Президентимизнинг "2011-2015 йиллар инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисида"ги Қарори асосида вилоятимиз ҳудудида жами 126 километр автомобиль йўллари қуриш кўзда тутилган. Автомобиль йўлларини жаҳон талабларига мослаштириш мақсадида йўл ўқига тушадиган оғирликни 10 тоннадан 13 тоннага кўтариш лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Тизимнинг моддий-техник имкониятларини кенгайтириш, қурилаётган ва таъмирланаётган автомобиль йўлларининг сифатини таъминлаш ва хизмат кўрсатиш муддатларини узайтириш мақсадида охирги 5 йил давомида хорижий компанияларда ишлаб чиқарилган 37 та махсус йўлсозлик техникаси ва ускуналари харид қилинди. Бу қулайликлар вилоятимизда жаҳон талабларига жавоб берадиган автомобиль йўлларини қуриш жараёнида асқотаяпти. Шунингдек, 5 та корхонанинг ишлаб чиқариш базасини замонавийлаштириш белгиланган.

Ўтган йили 114,5 километр йўлни таъмирлашга 18 миллиард 640 миллион сўм сарфланди. Бу йил эса, инвестиция дастурига биноан 52 километр йўл қуриш ва реконструкция қилиш учун 72 миллиард сўм маблағ йўналтирилади.



Ўтган йилнинг ўзида "Тошкентавтойўл" ташкилоти билан маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ўртасида 9 турдаги 144 та йўл техникасини харид қилиш учун жами 18,1 миллиард сўмлик шартномалар имзоланди. Шундан 13 та "ISUZU" русумли махсус сув сепиш машинаси, 25 дона "MAN" универсал ҳамда 3 та автогудранатор техникаси харид қилинди. Янги ташкил этилган "Дўрмонавтойўл" корхонаси эса, 12 турдаги 21 та замонавий йўл техникасига эга бўлди.




Бу йил Янгийўл туманида соатига 150-160 тонна асфальтбетон ишлаб чиқариш қувватига эга завод ишга туширилиши режалаштирилган. Шунингдек, "Бектемир-Чирчиқ-Ғазалкент-Чорвоқ" автомобиль йўлининг 17-километридан Тошкент ҳалқа йўлининг 39-километригача бўлган оралиқдаги 6 километр қисмини, Чирчиқ дарёси устига кўприк қуриш белгиланган. "Тошкент ҳалқа автомобиль йўли" ва "Тошкент шаҳрига шохобча" автомобиль йўлининг кесишган қисмида транспорт ечимини қуриш режага киритилди.

Айни кунларда 4-Р6 "Тошкент-Чирчиқ-Чимён" автомобиль йўлининг 7-километрида асфальтбетон қопламаси янгиланмоқда. Бу ерда "Автомагистрал" бирлашмаси ва Қибрай йўлсозлари меҳнат қилишмоқда. Бунинг учун 1 миллиард 200 миллион сўм маблағ ажратилган. Бир кунда 500 тонна асфальт харид қилиниб, 450-500 метр йўл созланмоқда. Маълумотларга қараганда, 1 километр йўлни созлаш учун 1500 тонна асфальт керак экан.

– Қураётган йўлларимиз узоқ йиллар ҳайдовчи ва йўловчилар корига яраса, биз қилаётган ишимиздан мамнун бўламиз, – деди Қибрай йўл корхонаси раҳбари Рустам Комилов. – Бунинг учун замонавий техника ва транспортлардан фойдаланаяпмиз. Корхонамизни соғломлаштириш мақсадида 4 та махсус техника харид қилинди. "MAN" русумли техника тўрт фаслда ҳам асқотаяпти. Уни харид қилганимиз сув сепиш, супуриш, тозалаш ва қум сепиш ишларини анча енгиллатди. Ҳам маблағимиз тежаляпти, ҳам вақтдан ютяпмиз.

– Мен 18 йилдан бери ҳайдовчи бўлиб ишлайман, – деди Миродил Ёқубов. – Илгари эски йўллардан юришга қийналардик. Автоуловни таъмирлатишдан бошимиз чиқмасди. Энди эса, йўлларимиз равон бўлаётганини кўриб, баҳридилимиз очиляпти.

**Хуршида ТУРСУНБОЕВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**
**Қобилжон ҒОФУРОВ олган суратлар.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

# КЕЛАЖАК УЛАР ҚЎЛИДА




– Мактабимизда 240 дан зиёд ўқувчи таълим олади, – дейди директор Гулнора Очилова. – Болажонларимизнинг ҳам ақлий, ҳам жисмоний камол топишлари учун мактабимизда ҳамма шароитлар муҳайё. Педагогларимиз ота-оналар, маҳалла раиси Асадилла Исмоилов ҳамда фаоллар билан яқин алоқада иш юритишади. Умуман, маҳалла мактабимизни доимо қўллаб-қувватлаб туради. Ахир, бу даргоҳда маҳалла аҳлининг фарзандлари таълим олишади-да!

Тадбир жараёнида "Камалак" болалар ташкилоти етакчилари иштирокчиларга совғалар улашди. Шунингдек, турли мусобақаларда ўзларини кўрсатган ўқувчиларни самимий табриклашди. Жумладан, ўқувчи Олмос Раҳматиллаев 1-синфда ўқишига қарамай, "Камолот"нинг шахмат тахтаси" турнири ғолиби бўлди.

Тантанали байрам катта концерт дастури билан якунланди.

**Ўз мухбиримиз.**
**Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

Семинар

# ОСОЙИШТА ҲАЁТ АСОСИ

**Вилоятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, хотин-қизлар содир этаётган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда давлат ва нодавлат ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш мақсадида вилоят хотин-қизлар қўмитаси, прокуратура ва ички ишлар бошқармаси ҳамкорлигида "Вилоятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш – бугунги куннинг долзарб вазифаси" мавзуида семинар ташкил этилди.**

**Семинарни вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиева бошқарди.**

Тадбирда шаҳар ва туман хотин-қизлар қўмиталари раислари, мактаб ва коллеж ўқитувчилари, руҳшунослар, прокуратура ва ички ишлар бошқармаси вакиллари иштирок этишди.

Семинарда "Фуқароларнинг ўз жонига қасд қилиши борасида вилоят прокуратураси ва бошқа ҳамкор ташкилотлар амалга ошириши зарур бўлган вазифа, таклиф ва мулоҳазалар", "Хотин-қизлар ва вояга етмаганлар ўртасида ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш вазифасига руҳий ёндашув", "Маҳаллаларда олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ҳамда тушунтириш ишларида руҳшуносларнинг ўрни ва фаоллиги тўғрисида" каби мавзуларда маърузалар тингланди.

**Наргис ҲАСАНОВА,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**
**Азамат АҲМЕДОВ олган суратлар.**





# ДАСТУР ДОИРАСИДА ФИКРЛАШУВ

**Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти вилоят ташкилоти Марказий Осиёда фуқароларнинг ҳаёт даражасини яхшилаш, уларнинг қонуний ҳуқуқ ва инсоний қадриятларини сақлаган ҳолда миграция оқимларини бошқаришга амалда кўмаклашиш мақсадида 2013 йилдан бошлаб "Меҳнат миграцияси" дастури асосида иш олиб бормоқда.**




Дастурнинг асосий мақсад ва вазифаларини рўёбга чиқариш учун Зангиота тумани танлаб олинди. Ташкилотнинг дастур асосидаги фаолиятида туман ҳокимлиги, соғлиқни сақлаш ва ички ишлар бошқармалари, аҳолини иш билан таъминлаш ва бандликка кўмаклашиш маркази, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, маҳалла фуқаролар йиғинлари фаол иштирок этмоқда.

Вилоят ташкилоти Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг "Инсонийлик ўқув маркази"да Соғлом бола йили мавзуига бағишлаб, меҳнат миграцияси масаласи юзасидан семинар-тренинг ўтказди. Тадбирда туман хотин-қизлар қўмитаси, соғлиқни сақлаш бўлими, ички ишлар бошқармаси, аҳолини иш билан таъминлаш ва бандликка кўмаклашиш маркази, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, туман касб-ҳунар таълими вакиллари ҳамда маҳалла маслаҳатчилари иштирок этди.

Семинар-тренинг жараёнида "Меҳнат миграцияси" дастури доирасида ҳамкор ташкилотлар билан амалга оширилаётган ишлар юзасидан фикр алмашилди.

**Ўз мухбиримиз.**
**Азамат АҲМЕДОВ олган сурат.**

Ташриф

# ОЛИЙ ТАЪЛИМ БИЛАН ТАНИШУВ

Чет эллик хонимлар университетнинг ўқув хўжалигида ҳам бўлдилар. Ушбу хўжалик катта майдонни эгаллаган бўлиб, яхши ривожланган. Ўтган йили Кореянинг халқаро ҳамкорлик бўйича KOICA агентлиги кўмагида иссиқхона барпо этилди. Ҳозир бу ерда гидропоника усулида помидор етиштирилмоқда. Шуниси диққатга сазоворки, оператор ўтирган жойида тугмачаларни босиб, иссиқхона ромларини очиб-ёпади, ҳароратни ўзгартиради, суғориш ва бошқа агротехник тадбирларни бошқаради. Айтишларича, бир туп помидордан 10-15 килограммгача, йил давомида эса иссиқхонадан 120-130 тонна ҳосил олинар экан. Бунданда муҳими шундаки, талабалар иссиқхонада амалий кўникмаларни ҳосил қилишади, йирик иссиқхоналарни бошқаришни ўрганишади.

**Ўз мухбиримиз.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

Матбуот анжумани

**Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги Ўзбекистон Миллий матбуот марказида "Сифатли тиббий хизмат: унда ким, қандай имтиёзга эга? Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги тиббиёт муассасаларида бепул ва пуллик тиббий хизмат кўрсатиш тартиб-қоидалари ҳақида" мавзуида матбуот анжумани ўтказди.**

# СИФАТЛИ ТИББИЙ ХИЗМАТ ВА УНДАГИ ИМТИЁЗЛАР



Вазирлик мутахассислари оммавий ахборот воситалари ходимларига ҳозирги кунда тизимда бепул ва пуллик тиббий хизмат кўрсатишнинг тартиб-қоидалари хусусида батафсил маълумотлар беришди. Анжуманда Ўзбекистон Республикасининг "Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида"ги Қонунига асосан давлат даволаш-профилактика муассасалари аҳолига бепул кафолатланган тиббий ва бошқа ёрдамлар кўрсатаётгани, ушбу кафолатланган тиббий ёрдам ҳажмидан ташқари хизматлар қўшимча ҳисобланиб, белгиланган тартибда пул тўлаш орқали амалга оширилиши таъкидланди.

Қайд этилдики, республикада яратилган ягона шошилинч тиббий ёрдам тизими - шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази, унинг вилоятлардаги филиаллари ҳамда шаҳар ва туман марказий шифохоналари шошилинч тиббий ёрдам бўлимларида аҳолига барча турдаги тиббий ёрдам бепул кўрсатилмоқда.

**Ўз мухбиримиз.**
**Азамат АҲМЕДОВ олган сурат.**

Қарор ва ижро

# ИШ ЎРИНЛАРИ КЎПАЙМОҚДА

**Республика Президентининг "2013-2015 йилларда Тошкент вилояти саноат салоҳиятини ривожлантириш дастури тўғрисида"ги Қарори вилоятимиз иқтисодиётини янада юксалтириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар турини кўпайтириш ва рақобатбардошлигини ошириш, янги иш ўринлари яратиш ҳисобига аҳоли, айниқса, ёшлар бандлигини таъминлашда муҳим омил бўлаётир.**

Ушбу қарорга асосан, вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларида муайян режа асосида белгиланган вазифалар изчил рўёбга чиқарилмоқда. Паркент туманида Президент қарори ва вилоят ҳокимининг топшириқлари асосида ишлаб чиқилган дастурга мувофиқ дори-дармон, саноат ва қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқаришга йўналтирилган умумий қиймати 2 миллион 493 минг 800 АҚШ долларлик 15 та лойиҳани рўёбга чиқариш ҳисобига 300 та янги иш ўринларини яратиш режалаштирилган бўлиб, айни вақтгача 12 та лойиҳа амалга оширилди. Натижада 190 та янги иш ўринлари яратилди.

– Дастур бўйича бу йилги ягона лойиҳани амалга оширдик, – дейди туман ҳокимлигининг ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича бош мутахассиси Улуғбек Тоиров. – Мебель ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Чанги рамзи" корхонаси иш бошлади. Дастурга қўшимча режалаштирилган умумий қиймати 652 минг долларлик 11 та лойиҳанинг кредит ва жой масалалари ҳужжатларини расмийлаштираяпмиз. Лойиҳалар амалга ошса, йил охиригача қўшимча 87 та янги иш ўринлари яратилади.

Ушбу қарор асосида иш бошлаган тадбиркорлар ўз даромадлари ҳисобидан фаолиятларини янада кенгайтиришмоқда. Буни "Истиқбол" маҳалласидаги эски қозонхона ўрнида иш бошлаган "Паркент камалак жилоси" масъулияти чекланган жамияти мисолида ҳам кўриш мумкин. Профнастил ишлаб чиқаришга ихтисослашган жамият "Агробанк"дан олган 70 миллион сўм кредит эвазига Хитойдан замонавий дастгоҳ харид қилди. Гарчи ўтган йили ташкил этилган бўлсада, замонавий дастгоҳ ва пухта режа асосида иш бошлаган МЧЖ қисқа фурсат ичида туманда танилиб, харидорлари кўпайди.

– Сифат ҳамиша ўзини оқлайди, – дейди МЧЖ раҳбари Равшан Эрматов. – Шунинг учун биз бошидан сифатли маҳсулот тайёрлашга катта эътибор қаратдик. Натижа ёмон эмас. Кун сайин харидорларимиз кўпаймоқда. Даромад ҳам шунга яраша бўлаяпти.

Ёш йигитлар меҳнат қилаётган МЧЖ яқинда даромадлари ҳисобидан яна бир янги замонавий дастгоҳ харид қилди. Раҳбарнинг фикрича, янги дастгоҳ ишлаб чиқариш қувватини ошириб, даромадни кўпайтиради. Бу эса анчадан буён режалаштириб юрган ақфадан эшик ва ромлар ясайдиган цех қурилишига замин ҳозирлайди.

**Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ,**
**Азамат АҲМЕДОВ (сурат),**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбирлари.**



ЭЪЛОНЛАР

# ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАР ВА ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Тошкент вилоят ҳокимининг 2009 йил 2 февралдаги 12-сон "Вилоят ҳудудида жойлашган ҳарбий қисмларни сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш тўғрисида"ги фармойишига асосан сифатли озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи тадбиркорлик субъектларини танлаб олиш бўйича вилоят Танлов комиссияси фаолият юритмоқда. Комиссия 2014 йил II чорак май учун Тошкент ҳарбий округи таркибига кирувчи ҳарбий қисмларга сифатли озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб бериш бўйича қуйидаги маҳсулотларга танлов эълон қилади:

*1. 1 нав ундан чиқарилган қотган нон*
*2. Дудланган гўшт*
*3. Сметана 30 фоиз*
*4. Творог 18 фоиз*
*5. Томат пастаси 30 фоиз*
*6. Шолғом, турп, редиска*
*7. Қуритилган мевалар*
*8. Хамиртуруш (дрожжи)*
*9. Компот консерваланган*
*10. Маргарин*
*11. Мураббо*
*12. Шоколад*
*13. Кофе (эрувчан)*
*14. Уксус эссенцияси*
*15. Крахмал (картофельный)*
*16. Мевалар экстракти*

Танловда мазкур маҳсулотларни етказиб бериш бўйича тажрибага эга бўлган ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ танловларда иштирок этиш ва маҳсулотлар етказиб бериш бўйича фаолияти тақиқланмаган фермер ва деҳқон хўжаликлари, ишлаб чиқариш ва савдо корхоналари иштирок этишлари мумкин.

Ёзма аризаларда қуйидаги маълумотлар кўрсатилиши лозим: хўжалик субъектининг тўлиқ номи, почта манзили, телефон ва факс рақами, электрон почта манзили, Ф.И.Ш.

Ёзма аризалар ва танлов таклифлари солинган конвертлар қуйидаги манзилга топширилади: Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 17-уй, Тошкент вилояти ҳокимияти. Ёзма аризалар ва муҳрланган конверт 2014 йил 7 май кунидан кечиктирмасдан тақдим қилиниши керак.

Конвертга қуйидаги ҳужжатлар солинган бўлиши лозим:

– маҳсулотлар номи, нархи ва ҳажми кўрсатилган тижорат таклифи;
– гигиена, сифат ва карантин бўйича сертификатлар;
– лицензия, корхона низоми ва паспорти нусхалари;
– солиқ ва хизмат кўрсатувчи банкдан қарздорлик мавжуд эмаслиги;
– мавжуд ишлаб чиқариш майдони, омбор (музлаткич) тўғрисидаги маълумотномалар.

Танлов таклифлари солинган конвертларни 2014 йил 8 май куни Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 17-уй, Тошкент вилояти ҳокимияти биносида (3-қават) танлов қатнашчилари ёки уларнинг вакиллари иштирокида очиш режалаштирилмоқда.

Маълумот учун телефонлар: (8-371) 236-29-10, 233-75-11, 232-80-95.

Тошкент вилоят ҳокимининг 2009 йил 2 февралдаги 12-сон "Вилоят ҳудудида жойлашган ҳарбий қисмларни сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш тўғрисида"ги фармойишига асосан сифатли озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи тадбиркорлик субъектларини танлаб олиш бўйича вилоят Танлов комиссияси фаолият юритмоқда. Комиссия 2014 йил II чорак июнь учун Тошкент ҳарбий округи таркибига кирувчи ҳарбий қисмларга сифатли озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб бериш бўйича қуйидаги маҳсулотларга танлов эълон қилади:

*1. 1 нав ундан чиқарилган нон*
*2. 1 нав ундан чиқарилган қотган нон*
*3. Иккинчи тоифали гўшт маҳсулоти (ГОСТ 779-55)*
*4. Ярим дудланган колбаса маҳсулоти*
*5. Дудланган гўшт*
*6. Товуқ тухуми Д-1 (O'zDSt 626-2004)*
*7. Мева шарбатлари (сок, компот) ГОСТ 656-79, ГОСТ 657-79, ГОСТ 16366-78, ГОСТ 937-72*
*8. Сметана 30 фоиз (жир O'zDSt 1084-2011)*
*9. Творог 18 фоиз (O'zDSt 119-2003)*
*10. Пишлоқ 45 фоиз (жир O'zDSt 628:2001, ГОСТ 7616-85)*
*11. Кефир 2,5-3,2 фоиз (O'zDSt 1086:2005, O'zDSt 1086:2011)*
*12. Томат пастаси 30 фоиз (ГОСТ 3343-89)*
*13. Картошка*
*14. Карам янги узилган*
*15. Помидор янги узилган*
*16. Бодринг янги узилган*
*17. Шолғом, турп, редиска*
*18. Ҳўл мевалар*
*19. Қуритилган мевалар*
*20. Хамиртуруш (дрожжи) (ГОСТ 171-81, ГОСТ 28483-90)*
*21. Лавлаги (ГОСТ 1722-85)*
*22. Сабзи (ГОСТ 1721-85)*
*23. Пиёз*
*24. Компот консерваланган*

Танловда мазкур маҳсулотларни етказиб бериш бўйича тажрибага эга бўлган ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ танловларда иштирок этиш ва маҳсулотлар етказиб бериш бўйича фаолияти тақиқланмаган фермер ва деҳқон хўжаликлари, ишлаб чиқариш ва савдо корхоналари иштирок этишлари мумкин.

Ёзма аризаларда қуйидаги маълумотлар кўрсатилиши лозим: хўжалик субъектининг тўлиқ номи, почта манзили, телефон ва факс рақами, электрон почта манзили, Ф.И.Ш.

Ёзма аризалар ва танлов таклифлари солинган конвертлар қуйидаги манзилга топширилади: Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 17-уй, Тошкент вилояти ҳокимияти. Ёзма аризалар ва муҳрланган конверт 2014 йил 27 май кунидан кечиктирмасдан тақдим қилиниши лозим.

Конвертга қуйидаги ҳужжатлар солинган бўлиши керак:

– маҳсулотлар номи, нархи ва ҳажми кўрсатилган тижорат таклифи;
– гигиена, сифат ва карантин бўйича сертификатлар;
– лицензия, корхона низоми ва паспорти нусхалари;
– солиқ ва хизмат кўрсатувчи банкдан қарздорлик мавжуд эмаслиги;
– мавжуд ишлаб чиқариш майдони, омбор (музлаткич) тўғрисидаги маълумотномалар.

Танлов таклифлари солинган конвертларни 2014 йил 28 май куни Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 17-уй, Тошкент вилояти ҳокимияти биносида (4-қават) танлов қатнашчилари ёки уларнинг вакиллари иштирокида очиш режалаштирилмоқда.

Маълумот учун телефонлар: (8-371) 236-29-10, 233-75-11, 232-80-95.

Таълим масканларида

# ЁШ УСТОЗНИНГ ЗУККО ШОГИРДЛАРИ



**Чирчиқ шаҳридаги 18-умумтаълим мактабини намунали дейишади. Боиси, унча катта бўлмаган таълим масканида 500 нафардан зиёд болаларга таълим-тарбия бераётган ўқитувчилар турли кўрик-танловларда, ўқувчилар эса билимлар беллашуви ва фан олимпиадаларида пешқадамлик қилмоқда. Айниқса, мактаб ўқувчиларининг тарих ва ҳуқуқ фанларидан пухта билим эгаллаб, мусобақаларда фахрли ўринларни эгаллаши диққатга сазовор.**

Хусусан, 7-синф ўқувчиси Мақсад Саидов ўтган йили билимлар беллашувининг вилоят босқичида тарих фани бўйича 2-ўринни эгаллаган эди. Бу йил ҳам вилоят босқичига йўлланма олди. 6-синф ўқувчиси Абдулло Шавкатов ҳам тарих фанидан вилоят босқичига йўлланмани қўлга киритди. Республика фан олимпиадасида ҳуқуқ фанидан иштирок этган 9-синф ўқувчиси Шоҳруҳ Саидовнинг шаҳарда биринчиликни эгаллаб, вилоят босқичига чиқишида ўтган йили шу фан бўйича билимлар беллашувида ўрганганлари қўл келди.

– Ўқувчиларимизнинг турли кўрик-танлов ва мусобақаларда ғолиб бўлишида фидойи ўқитувчиларимизнинг меҳнатлари беқиёс, – дейди мактаб директори Насиба Ёдгорова. – Айниқса, тарих, ҳуқуқ, миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари, Ватан туйғуси каби фанлардан сабоқ бераётган Жасур Розиқовнинг хизматларини алоҳида таъкидламоқчиман. У ҳали ёш бўлишига қарамай, ўзини кўрсата олди. Ўтган йили "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси" кўрик-танловида қатнашиб, вилоятда фахрли 2-ўринни эгаллади. Шогирдлари ҳам устози изидан бориб, вилоятимиз миқёсида фахрли ўринларни эгаллашмоқда.

**Аваз БЕКОВ.**
**Азамат АҲМЕДОВ олган сурат.**

Кўрик-танлов

# «СИЗ ҚОНУННИ БИЛАСИЗМИ?»

**Қибрай туманидаги Байтқўрғон иқтисодиёт ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежида "Сиз қонунни биласизми?" кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.**

**"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши, вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими, адлия ва ички ишлар бошқармалари ҳамкорлигида ташкил этилган танловда Олмалиқ кон-металлургия касб-ҳунар коллежининг "Парламент", Янгийўл тиббиёт коллежининг "Сенаторлар", Паркент транспорт ва сервис хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежининг "Ёш ҳуқуқшунослар" ҳамда Оққўрғон агросаноат ва тадбиркорлик касб-ҳунар коллежининг "Парвозлар" жамоалари қатнашди.**

Дастлаб жамоалар ўзлари таҳсил олаётган коллежда яратилган шарт-шароитлар, илмий-ижод ва малакавий изланишлар, мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти ҳақида тушунча бериб, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга қаратилган таклифларини кўргазмали тарзда намойиш этишди. "Ҳуқуқий билимлар савиясини аниқлаш" шартида иштирокчиларнинг билимлари савол-жавоб тарзида синовдан ўтказилди. Гуруҳларнинг ҳуқуқий маданиятни ривожлантириш мавзуи бўйича тайёрлаган видеороликлари ҳам тақдим этилди. Шунингдек, "Уй вазифаси" шартида иштирокчилар ҳаётда учрайдиган айрим ижтимоий-ҳуқуқий муаммоларни саҳна кўриниши орқали намойиш қилишди.

– Танловнинг ўтган йиллардагидан фарқи шундаки, – дейди "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши раиси ўринбосари Лазизхон Ҳасанов, – бу йил "Ёшларга оид қонунчилик – ёшлар нигоҳида" шарти қўшилди. Жамоалар бу шартда "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"ги Қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳаси юзасидан мулоҳаза ва таклифлари асосида тақдимот тайёрлашди. Бу каби танловлар ёшларнинг ҳуқуқий билимлари, онги ва маданиятини янада юксалтиришга, уларнинг эркин фикрлаш қобилияти ҳамда нутқ маданиятини ўстиришга хизмат қилади.

Барча шартларни муваффақиятли бажарган Оққўрғоннинг "Парвозлар" жамоаси биринчи ўринга муносиб топилди ва республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Танлов якунида барча жамоаларга диплом ва фахрий ёрлиқ ҳамда ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари топширилди.

**Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

# ОНА ТИЛИМ – ЖОНУ ДИЛИМ

**Ангрен шаҳридаги 7-умумтаълим мактабида вилоят халқ таълими бошқармаси, ўқитувчилар малакасини ошириш институти тингловчилари, "Маҳорат мактаби"нинг тажрибали педагоглари иштирокида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. Унда шаҳар мактаблари тил-адабиёт ўқитувчиларининг очиқ дарслари, Ўзбекистон халқ шоирлари ҳаёти ва ижодига бағишланган адабий кеча ўтказилди.**



– Она тилини унутган, бора-бора ўз онаси, ҳатто Ватанини ҳам унутади, – дейди халқ таълими аълочиси, 8-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Гулнора Турдалиева. – Ёш авлод қалбида Она тилимизга меҳр-муҳаббат, садоқат туйғуларини уйғотиш, шакллантириш масъулияти аввало оила, ота-она, қолаверса, биз ўқитувчиларнинг зиммасида. Шу маънода бугунги тадбир ўз вазифамизни қай даражада уддалаётганимизни кўрсатди. Ўқувчиларнинг бийрон-бийрон жавоблари тил-адабиётни чуқур ўзлаштираётганларидан далолат. Бу борада мутахассис тилшуносларимиз, адабиётчи олимларнинг эътирофи ангренлик ўқитувчилар учун муносиб рағбат бўлди.

**Наргиза ЭШМАТОВА.**

**Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши томонидан "Жамоа шартномалари ва келишувларининг аҳамияти" мавзуига бағишланган анжуман ўтказилди.**

## ЖАМОА ШАРТНОМАЛАРИ ВА КЕЛИШУВЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

Унда иш берувчилар ва касаба уюшма қўмиталари ўртасида имзоланаётган жамоа шартномалари орқали меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳимоясини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар таҳлил этилди.

**"Туркистон-пресс".**

Саломат бўлинг

# ҚОРАҲАЛАК ОДДИЙ ИСИТМА ЭМАС

**Қораҳалак (Қрим-Конго геморрагик иситма) ўта хавфли юқумли касаллик бўлиб, кўп изланишлар натижасида Ўзбекистоннинг барча вилоятларида бу хасталик вирусининг табиий ўчоқлари мавжудлиги аниқланди. У сўнгги йилларда кўпроқ жанубий ва марказий вилоятларда қайд этилмоқда.**

Касаллик турли йўллар билан юқади. Жумладан, кана чаққанда, очиқ қўл билан мол канасини терганда ва бармоқлар билан эзиб ўлдирганда, сўйилган молларнинг қони ва тиббий муолажалар вақтида шприц орқали ўтади.

Касалликнинг яширин даври 3-6 кун. Бошланғич даври бир неча соатдан 3 кунгача чўзилади.

Беморнинг тўсатдан эти увишиб, қалтирайди, ҳарорати 39-40 даражага кўтарилади, боши, мушак ва бўғимлари оғрийди, аъзои бадани қақшайди, иштаҳаси йўқолади, дармони қурийди. Баъзан кўнгли айниб, қусади, ичи кетади. Гоҳо касаллик иситма ва шиллиқ пардалар ҳамда ички аъзоларга қон қуйилиши билан бошланади. Баданда тошмалар пайдо бўлади, буйрак, меъда, бачадон, ўпкадан қон кетади. Беморнинг қон аралаш сафро қайт қилиши касалликнинг оғир кечаётганидан дарак беради. Жигар, талоқ катталашади.

Касаллик беморда юққанида яширин даври қисқаради (ўртача 2-3 кун), шиддатли ва оғир кечади, ўлим хавфи юқори бўлади.

Қораҳалакнинг олдини олиш учун шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиш, мол ва бошқа ҳайвонлар канасини қўлқоп кийиб териш ва уларни қўл билан эзиб ўлдирмаслик керак.

**Умирбек МИРЗАЕВ, вилоят ДСЭНМ бўлим мудири, олий тоифали врач-эпидемиолог.**

ЭЪЛОНЛАР

**"SHUKUR GRAND TRADE BUSINESS" МЧЖда 2014 йил 31 мартдан 2014 йил 30 апрелгача ўтган кимошди савдо натижалари тўғрисида маълумот**

| Савдо санаси | Ким томонидан савдога қўйилган | Автотранспорт номи, ишлаб чиқарилган йили ва давлат рақами | Бошланғич баҳоси (сўм) | Сотилиш баҳоси (сўм) |
|---|---|---|---|---|
| 31.03.2014 | Бекобод т. СИБ | 1986 й. и.ч. "Камаз" д.р. 11К3293 | 7 406 364 | 7 950 000 |
| | | 1981 й. и.ч. "Камаз53212" д.р. 10R639AA | 7 343 451 | 7 850 000 |
| | | 1978 й. и.ч. "Камаз5320" д.р. 11I2685 | 6 225 921 | 6 750 000 |
| | Олмалиқ ш. СИБ | 1999 й. и.ч. "Нексия" д.р. 10B691FA | 16 817 000 | 17 950 000 |
| | | 2009 й. и.ч. "Матиз" д.р. 10W977DA | 16 000 000 | 17 050 000 |
| 04.04.2014 | Бўстонлиқ т. СИБ | 2000 й. и.ч. "Ваз21060" д.р. 11AF567 | 6 086 114 | 6 490 000 |
| | Оққўрғон т. СИБ | 2009 й. и.ч. "Нексия" д.р. 01F913CA | 19 125 125 | 20 400 000 |
| 08.04.2014 | Зангиота т. СИБ | "Уаз452" д.р.сиз | 1 107 549 | 1 700 000 |
| | | 1982 й. и.ч. "УралМ67" д.р.сиз | 404 936 | 440 000 |
| | | 1986 й. и.ч. "Уаз330301" д.р. 11F3391 | 552 115 | 605 000 |
| | Қибрай т. СИБ | 1981 й. и.ч. "Газ66" д.р. 11W6468 | 1 902 650 | 2 100 000 |
| | | 1983 й. и.ч. "Камаз5320" д.р. 12F8529 | 9 493 013 | 10 100 000 |
| | | "Тико" д.р. 10680GAA | 6 830 000 | 7 250 000 |
| 11.04.2014 | Пискент т. СИБ | 1984 й. и.ч. "Камаз5320" д.р. 11Z9600 | 1 898 619.24 | 2 050 000 |
| | | 1982 й. и.ч. "Автокран" д.р. 11AC399 | 5 665 751.55 | 6 500 000 |
| 14.04.2014 | Оққўрғон т. СИБ | "Т-28,Х-4" д.р.сиз | 1 471 050 | 1 620 000 |
| | Қибрай т. СИБ | 1990 й. и.ч. "Ваз21063" д.р. 10A321EA | 8 001 180 | 8 610 000 |
| 21.04.2014 | Янгийўл т. СИБ | 1986 й. и.ч. "Газ52" д.р. 10W670CA | 1 746 000 | 1 870 000 |

Қўшимча маълумотлар учун: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Тафаккур 1-тор кўчаси, 2-уй, 1-хонадон. Телефон/факс: (871) 215-54-59. Гувоҳнома № 007558.

**"REAL AUKSION" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Тошкент вилояти Зангиота тумани СИБ томонидан 2014 йил 23 апрелдаги: № 10144/11-сонли ижро ҳужжатига асосан: Тошкент вилояти, Зангиота тумани "Кўк-Терак Матлубот Инвест" МЧЖ омборхонасида сақланаётган: 1987 йилда и/ч., дав/рақ: 10P795DA, бошланғич баҳоси – 3 511 000 сўм бўлган "Ваз-2107" русумли техник носоз автотранспорт воситаси; № 7119/24-сонли ижро ҳужжатига асосан: Тошкент вилояти, Зангиота тумани ИИБ жарима майдончасида сақланаётган: 2009 йилда и/ч., дав/рақ: 01J303EA, бошланғич баҳоси – 248 000 000 сўм бўлган "Мерседес-Бенц" русумли техник носоз автотранспорт воситаси; № 6359/24-сонли ижро ҳужжатига асосан: Тошкент вилояти, Зангиота тумани "Оазиз Мега Бизнес Савдо" МЧЖ омборхонасида сақланаётган: 2008 йилда и/ч., дав/рақ: 01G154HA, бошланғич баҳоси – 21 631 444 сўм бўлган "Матиз" русумли техник носоз автотранспорт воситаси; № 9234/6-сонли ижро ҳужжатига асосан: Тошкент вилояти, Зангиота тумани "Жахонгир" ХК омборхонасида сақланаётган: 1978 йилда и/ч., дав/рақ: 01G670HA, бошланғич баҳоси – 3 633 000 сўм бўлган "Ваз-21011" русумли техник носоз автотранспорт воситаси; № 9323/11-сонли ижро ҳужжатига асосан: Тошкент вилояти, Зангиота тумани "Кўк-Терак Матлубот Инвест" МЧЖ омборхонасида сақланаётган: и/ч. йили ноаниқ, дав/рақ: 10K4490, бошланғич баҳоси – 1 593 000 сўм бўлган "Газ-24" русумли техник носоз автотранспорт воситаси; № 9322/11-сонли ижро ҳужжатига асосан: Тошкент вилояти, Зангиота тумани "Кўк-Терак Матлубот Инвест" МЧЖ омборхонасида сақланаётган: 1976 йил и/ч., дав/рақ: 11R3263, бошланғич баҳоси – 1 537 000 сўм бўлган "Газ-24" русумли техник носоз автотранспорт воситаси; № 9321/11-сонли ижро ҳужжатига асосан: Тошкент вилояти, Зангиота тумани "Кўк-Терак Матлубот Инвест" МЧЖ омборхонасида сақланаётган: и/ч. йили ноаниқ, дав/рақ: 10V1935, бошланғич баҳоси – 1 593 000 сўм бўлган "Газ-24" русумли техник носоз автотранспорт воситаси савдога қўйилмоқда. Аукцион савдоси 2014 йил 05 июн куни соат 11:00 да бошлаб ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш, аукцион бошланишидан, бир кун олдин тўхтатилади.

Савдога қўйилган мулклар билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакилари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "REAL AUKSION" МЧЖнинг ОАИТБ "Ипак йўли" Миробод филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104996600001, МФО 01101, ИНН 302370235. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, М.Таробий кўчаси, 31-уй. Тел.: 254-69-13. Гувоҳнома № 006795.

**"KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига Чилонзор тумани СИБ томонидан 19.12.2013 йилдаги 1-876-13-сонли ижро варақасига асосан тақдим этилган куйидаги кучмас мулк куйилмокда: Бошлангич нархи – 53 529 325 сум булган, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 18-мавзеси, 13-уйда жойлашган яшаш майдони 28,81 кв.м. булган 46-уй (турар-жой), Учтепа тумани СИБ томонидан 03.02.2011 йилдаги 1-55-11-сонли ижро варақасига асосан тақдим этилган қуйидаги кўчмас мулк қўйилмоқда: Бошланғич нархи – 206 255 418 сўм бўлган, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Шароф 12-тор кўчасида жойлашган умумий ер майдони 1016,0 кв.м., қурилиш ости майдони 572,0 кв.м. бўлган 1-қаватли қурилиши тугалланмаган бино ва иншоот (нoввойхона).

Аукцион савдолари 2014 йилнинг 3 июнь куни соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO" МЧЖнинг АТИБ "Ипотека банк" Шайхонтоҳур филиалидаги 20208000104931635001 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт, МФО 00425, СТИР 207128747, ОКОНХ 83400.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатлар расмий иш кунлари соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш кимошди савдоси ўтказилишига бир иш куни қолганда соат 17.00 да тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61. Лицензия: № 0039.

**"KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Такрорий аукцион савдосига Тошкент шаҳар Учтепа тумани СИБ томонидан, 03.02.2011 йилдаги ижро варақасига ва ажримига асосан, Тошкент шаҳар, Сергели тумани, 2-мавзе, Қора йўл кўчасида жойлашган, умумий майдони 2688 кв.м. бўлган 5-қаватли маъмурий бинонинг 1-қавати, яъни "А" блок, 2-корпуси қўйилмоқда. Бошланғич нархи – 917 313 132 сум; Тошкент шаҳар, Сергели тумани, 2-мавзе, Қора йўл кўчасида жойлашган, умумий майдони 1370 кв.м. бўлган 5 қаватли маъмурий бинонинг 4-5-қаватлари қўйилмоқда. Бошланғич нархи – 773 402 445 сум.

Такрорий аукцион савдоси 2014 йилнинг 20 май куни соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO" МЧЖнинг АТИБ "Ипотека банк" Шайхонтоҳур филиалидаги ҳисоб рақамига 20208000104931635001 тулашлари шарт. МФО 00425, СТИР 207128747, ОКОНХ 83400.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатлар расмий иш кунлари соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш кимошди савдоси ўтказилишига бир иш куни қолганда соат 17.00 да тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61. Лицензия: №0039.

Яккасарой тумани ТСРЎИ томонидан 18.09.2012 йилда № 006809-11 реестр рақами билан рўйхатга олинган хорижий сармоя иштирокидаги "SOYUZ OPTOVOY TORGOVLI TASHKENT" МЧЖнинг устав жамғармаси 263 815 100 сўмдан 257 815 100 сўмга камайишини маълум қилади.

Олмазор тумани ТСРЎИ томонидан 12.01.2012 йилда Закиров Хожиакбар Атхамович номига берилган № 0514035 сонли гувоҳнома (патент) йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Утерянный сертификат выданный в 2011 году за № 289648 Ташкентским фармацевтическим институтом на имя Нормуродовой Азизы Носирхоновны, **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Утерянную шаходатному U № 2854011, выданный в 2007 году школой № 61 Зангиатинского района Ташкентской области на имя Тулаганова Искандара Рустамжон угли, **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

ООО "AKVILON BIZNES" (ИНН 300682275, ОКОНХ 51512, ОКПО 22220587), зарегистрированное ИРСП хокимията Юнусабадского района г. Ташкента за реестр № 003457-10 от 16.01.2008 г., расположенное по адресу: массив Юнусабад-7-13-22, г. Ташкента, **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (решение от 24.04.2014 г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления.

Шайхонтоҳур тумани ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган "EFFECT PROMOTION" МЧЖнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли "EFFECT PROMOTION" хусусий корхонасига ўзгаради. Унга тегишли бўлган думалоқ муҳр ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент шаҳар Юнусобод тумани ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан 24.01.2012 йилда № 007268-10 реестр рақами билан рўйхатга олинган "SAVDO MARKAZIY INVEST GROUP" (ИНН 207141416) МЧЖга тегишли бўлган гувоҳнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

"ZIYODA-SAVDO SERVIS" МЧЖга тегишли Юнусобод тумани, Муродов кўчаси, 6-А уйда жойлашган савдо ва маиший хизмат кўрсатиш биносига № 7-500/2008 реестр рақами билан расмийлаштирилган кадастр ҳужжатлари бўйича 27.12.2011 йилда нотариал идорага тақдим этиш учун берилган 5320-сонли маълумотнома (форма-18) йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент олий ҳарбий чегарачилар билим юрти томонидан 28.06.2003 йилда Парфенов Алексей Евгеньевич номига берилган № 276840 рақамли диплом иловаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Мирзо Улуғбек тумани ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган "ORIENT PROPERTY" МЧЖнинг устав жамғармаси 201 000 000 сўмдан 4 000 000 сўмга камайишини маълум қилади. Телефон: (+99893) 555-85-71.

Утерянный диплом ЛТ-1 № 076986, выданный в 1990 году Ташкентским кооперативным техникумом на имя Лелюховой Татьяны Алексеевны, **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Мирзо Улуғбек тумани ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан 13.08.2007 йилда № 003107-04 реестр рақами билан рўйхатга олинган "BIMEXIM GROUP" (ИНН 300540942) МЧЖнинг (манзил: Мирзо Улуғбек тумани, Бўз мавзеси, 69-уй) ташкилий-ҳуқуқий шакли "BIMEXIM GROUP" хусусий корхонасига ўзгаришини маълум қилади. Телефон: (+99893) 585-84-28.

Олмазор тумани ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган "ADDISON-GROUP" МЧЖ "CROCUS" МЧЖга бирлашади. "ADDISON-GROUP" МЧЖга тегишли бўлган думалоқ муҳр ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

**"NEW TRANS ALLIANCE" МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Савдога қуйидаги мулклар такроран қўйилмоқда: 1. Қибрай тумани СИБ томонидан № 7442-сонли ижро ҳужжатига асосан 80400 дона "Дневной лампа TL-D 18 W". Бошланғич баҳоси – 104 815 125 сўм. 2. Қибрай тумани СИБ томонидан № 7442-сонли ижро ҳужжатига асосан 2300 дона "Дневной лампа TL-D 36 W". Бошланғич баҳоси – 3 325 905 сўм. Қибрай тумани, Салар ш.ф.й., "ИНТЕР РОХАТ" қўшма корхонасида сақланмоқда. Аукцион савдоси 2014 йил 15 май куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. 3. Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан 15.08.2011 й. № 25578-85/22-25-12-сонли ижро ҳужжатига асосан 1995 й. и.ч. "SK-24" д.р. 19 А 351. Бошланғич баҳоси – 23 040 350 сўм. Аукцион савдоси 2014 йил 16 май куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. 4. Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан 22.08.2013 й. № 58980/12-сонли ижро ҳужжатига асосан 2008 й. и.ч. "Матиз" д.р. 01 Т 836 LA. Бошланғич баҳоси – 18 813 000 сўм. 5. 07.01.2014 й. № 613/12-сонли ижро ҳужжатига асосан 2008 й. и.ч. "Матиз" д.р. 10 А 532 GA. Бошланғич баҳоси – 22 016 000 сўм. Аукцион савдоси 2014 йил 02 июнь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш куни қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар мулклар бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – "New Trans Alliance" МЧЖнинг "ASIA ALLIANCE BANK" ОАТБ Мирзо Улуғбек тумани филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: № 20208000904887305001, МФО 01103, СТИР 301829604. Аукцион ғолиби сотиб олган мулк қийматини 5 банк куни мобайнида тўлалигича тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Зиёлилар кўчаси, 1-уй. Телефон: (8371) 262-35-99. Гувоҳнома: 004593.

**"REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Савдога қуйидаги кўчмас мулк такроран қўйилмоқда: 1. Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан 05.04.2012 й. № 11338-39/25-12-сонли ижро ҳужжатига асосан Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Сирдарё кўчаси, 45-уй. Бошланғич баҳоси – 184 214 000 сўм. 2. Юнусобод тумани СИБ томонидан 14.09.2012 й. № 19305/15-сонли ижро ҳужжатига асосан Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Ғ. Абдуллаев кўчаси, 33-уй. Бошланғич баҳоси – 125 000 000 сўм. Аукцион савдоси 2014 йил 19 май куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш куни қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – "REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖнинг "ASIA ALLIANCE BANK" ОАТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204936050001, МФО 01103, СТИР 207125885. Аукцион ғолиби сотиб олган мулк қийматини 5 банк куни мобайнида тўлалигича тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Зиёлилар кўчаси, 1-уй. Телефон: (8371) 262-35-99. Лицензия: RR-0052.

**"NEW ESTATE ACTION" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Тошкент вилояти Зангиота тумани СИБ томонидан 2014 йил 25 апрелдаги № 7445-46/24-сонли ижро ҳужжатига асосан, Тошкент вилояти Зангиота тумани, Бўзсув ҚФЙ, А.Темур кўчаси манзилида жойлашган: бино ва иншоотларнинг умумий майдони 192,69 кв.м. бўлган "Нотурар жой" савдога қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 65 000 000 сўм. Аукцион савдоси 2014 йил 5 июнь куни соат 12:00 дан бошлаб ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш, аукцион бошланишидан, бир кун олдин тўхтатилади.

Савдога қўйилган кўчмас мулк билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "NEW ESTATE ACTION" МЧЖнинг ОАИТБ "Ипак йўли" Миробод филилалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104995394001, МФО 01101, ИНН 307373151. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, М.Таробий кўчаси, 31-уй. Хизматлар лицензияланган. Лицензия: RR-0148.

## ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ



Республика Гидрометеорология марказининг хабар беришича, 3 май куни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 17-19, кундузи 30-32 даража иссиқ бўлади.

Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 15-20, кундузи 27-32 даража иссиқ бўлади.

Республикамизнинг тоғли ҳудудларида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 9-14, кундузи 17-22 даража иссиқ бўлади.

Теннис

## ВАКИЛИМИЗ ЧОРАК ФИНАЛДА

Ўзбекистоннинг биринчи рақамли теннисчиси Денис Истомин Германиянинг Мюнхен шаҳрида давом этаётган "BMW Open by FWU AGB" анъанавий халқаро турнирида муваффақиятли иштирок этмоқда.

Ҳамюртимиз яккалик баҳсларидаги дастлабки учрашувни бешинчи рақамда сараланган германиялик Филипп Кольшрайберга қарши ўтказиб, 7:5, 2:6, 6:4 ҳисобида ғалаба қозонди. Иккинчи баҳсда австралиялик Маринко Матошевични 6:7, 6:3, 7:5 ҳисобида мағлубиятга учратиб, чорак финалга йўлланма олди. Ушбу босқичда теннисчимиз словакиялик Мартин Клижан билан баҳслашади.

**Б. АЙТМУРОДОВ, ЎзА мухбири.**



## БОЛА КУЛСА – ОЛАМ КУЛАДИ

*Атлас кўйлаклари ўзларига ярашган бу қизалоқлар мустақил диёрнинг бахтиёр болаларидир.*

Президентимиз таъкидлаганларидек: "...болаларимизнинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етиши, уларнинг бахту иқболини кўриш — ҳар бир ота-она, ҳар қайси оиланинг муқаддас орзусидир".

**Еркебой БОТИРОВ сурат-лавҳаси.**

Қизиқувчилар олами

## МЎЪЖАЗ МОДЕЛНИНГ МЎЛЖАЛИ АНИҚ

***Республика болалар ижодиёти марказида ракета моделлаштириш бўйича мактаб ўқувчилари ўртасида Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди.***

Мусобақада вилоят "Ватанпарвар", "Баркамол авлод" болалар ижодий маркази вакиллари қатнашди. Мазкур беллашув 100 дан ортиқ конструктор ва ракета моделчиларни ўзига жалб этди. Икки гуруҳга (3-6-, 7-9-синфларга) бўлинган қатнашчилар ҳакамлар ҳайъатига ракета чизмалари ва учадиган моделларини тақдим этишди. Ясалган космик аппаратлар митти нусхасининг аниқлиги ҳайъат томонидан юқори баҳоланди.

Ракета моделлаштириш қизиқарли ва техник жиҳатдан мураккаб спорт тури бўлиб, у ўқувчилардан математика, физика фанлари бўйича чуқур билимни талаб этади. Аниқ ҳисоб бўлмаса, ракеталарни учириш ва кўрсатилган нуқтага қўндириш мумкин эмас.

Ўқувчилар ўз билимларини унча катта бўлмаган "космодром"да намойиш этишди. Ушбу жараёнларни соҳа мутахассислари баҳолаб боришди.

Халқ таълими вазирлиги, Болалар спортини ривожлантириш фонди ҳамда юртимиздаги "Россҳамкорлик" ташкилоти ғолиб ва совриндорларга, уларнинг устозларига эсдалик совғалари тақдим этишди.

**Наргис МАМАТҚУЛОВА.**
**Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.**





Taassurot

## YO`LDA

Oilamizda Toshkentga borish uchun biror sabab paydo bo`ldimi, o`sha kuni mendan baxtiyorroq, chaqqonroq odam yo`q. "Sen uyda qolib ishlaringni qil" degan odatiy so`zga o`rin qoldirmaslik uchun barcha ishlarimni bir kun ilgari bajarib, hammadan oldin yo`lga hozirlanaman. Chunki go`zal poytaxtning ko`rkam ko`chalarida sayr qilish menga huzur bag`ishlaydi. O`zimni ancha ulg`ayib qolganday his qilaman. Katta, chiroyli avtobuslarga chiqib qolsak, tamom, yo`l bo`yi ko`rgan-bilganlarimni o`zimcha tahlil qilishga tushaman. Qiziq-da, bir-birini tanib-tanimaydigan odamlar to manzilga yetgunlaricha, g`aroyib uychaga jam bo`lishib, hayotlarining bir necha daqiqalarini birga kechirishadi. Turli qiyofalar, qiziqarli hangomayu, ibratli voqealar... Bugun ham shunday bo`ldi.

Bizdan oldingi o`rindiqda o`tirgan onaning yonidagi bolasi negadir besaranjom bo`la boshladi. Chiptachi ular tushadigan manzilni e'lon qildi. Ayol yo eshitmadi yo uxlab qolganmi, o`rnidan qimirlamadi. Bola esa onasining qo`llaridan tortqilagancha, yengidan tortib, turishga undardi. Keyin bilsak, ayol mast ekan. Bolasini siltab, tilga olib bo`lmaydigan so`zlar bilan jerkib, gandiraklagancha, avtobusdan tushib ketdi. Odamlarga javdirab, yig`lagancha ketgan bolani o`ylab, yuragim g`ashlandi...

Keyingi bekatda jajjigina qizaloqni yetaklagan ayol avtobusga chiqdi va boyagi mast xotinning o`rniga o`tirdi. Beixtiyor uni kuzata boshladim. Ayol bolasini tizzasiga o`tqazib, sumkasidan momiq o`yinchoq oldi-da: "Asal qizim, quyonchang ham seni kun bo`yi sog`inib qoldi" dedi. Keyin bog`chada qanday yangi she'r o`rganganini so`radi. Qizcha biyron tilda yangi yodlagan she'rini o`qiy ketdi... Unga nafaqat onasi, atrofdagilar ham mahliyo bo`lib qarab turishardi.

Ikki holat, ikki taqdir... Farzanddek buyuk ne'matning ikki xil qismati... Shu ikki yo`ldan birini, afsuski, farzandlar emas, ota-onalar tanlaydilar. Farzand timsolida kelajak yashaydi! Ota-onalar bolalarini emas, o`z qismatlarini yetaklab yurishlarini bilishsaydi...

**Dilsora ABDUSATTOROVA.**

Ҳаёт сабоқлари

## ТЎКИСЛИК

Ҳаёт жуда қизиқ. Кечагина қийинчиликлардан бошини қаерга уришни билмай юрган Бибинисо бугун фарзандлари ардоғида. Ҳатто қайнона бўлишга ҳам улгурди. Аммо, бу дориламон кунларга етгунча, не-не заҳматларни бошидан кечирмади. Бугун эса ундан бахтли одам йўқ. Илк неварасининг ёқимтой қилиқлари, келинининг меҳрибонлиги, фарзандларининг мўмин-қобиллигини кўриб, ўтган кунларига шукрона айтади. Ҳалолликда ҳикмат кўплигидан қувониб яшайди.

Турмуш ўртоғидан эрта ажраган аёл елкасини тақдир зарбаларига ёлғиз тутган бўлса-да, ҳаётнинг баланд-пастликларидан бирдек мағрур ўта олди. Фарзандларини ота меҳрига ташна қилмади. Уларга доим ҳалол меҳнати мевасини едирди, ҳаромдан ҳазар қилиб яшашни ўргатди. Элдан эрта туриб, кеч ётди.

Ерга меҳрини бериб, тинимсиз меҳнат қилди. Эҳтимол жажжи ўғил-қизларини оёққа турғизиш, қаторга қўшиш илинжи унинг барча ишларга улгуришига, баъзи эркаклардан-да, матонатли бўлишига қувват бергандир.

Бир сафар укаси



Қосимнинг шоҳидлигида онаси: "Қизим, агар яхши бир инсон топилса, турмуш қурсанг бўларди" деди. "Йўқ, онажон, набираларингизнинг кўзларини жавдиратиб, қайта турмуш қурмайман. Эндиги ҳаётимни уларнинг бахти учун тикаман. Сира хавотир олманг, оиламиз шаънига ҳам, ўзимнинг номимга ҳам доғ туширмайман" деб жавоб берди. Қосим эса бу гапни ботинан маъқуллади. Гарчи онанинг таклифи кўпдан ўзини ҳам ўйлантириб юрган бўлса-да, дилидагини тилига чиқариб қўймаганидан қувониб, опасига янада кўпроқ ёрдам бера бошлади.

...Қосим опасидан бир хабар олиш мақсадида йўлга тушди. Остонадан қадам қўяр экан, жиян келини уни илиқ қарши олиб, ичкарига таклиф қилди. Қосим дарвозахона тўридаги баланд сўрида ўтирган опасини кўриб қувонди, ҳаваси келди. Ўтириши ўзига чунонам ярашганки, асти қўяверинг... Бибинисо ўрнидан аста туриб, укасини очиқ чеҳра ила сўрига таклиф этди. Опаси билан сўрашар экан, унинг кўзида қувонч чақнарди.

Қосим атрофга ўйчан нигоҳ ташлади. Сўри ёнидаги ўрик баргларининг учига инган томчиларда паға-паға булутлар орасидан мўралаётган қуёш нури биллурдек товланмоқда. Фасллар келинчаги кўкламнинг ўткинчи ёмғирига юзини чайган ям-яшил япроқларнинг сарин шабадада енгил титраши ҳам ажиб манзара кашф этган. Шу тобда бундай бетакрор гўзалликларни опаси матонатига менгзаган Қосимнинг қалби ифтихорга тўлиб-тошди. Чунки, Бибинисо оиласи шаънига доғ эмас, ҳатто чанг ҳам қўндирмаганини бугунги тўкис, мазмунли ҳаётида яққол кўриб турарди.

**Юнусбек АБДИЕВ.**




### АРКАНЗАСГА ҚУЮН ЁПИРИЛДИ

**Американинг 8 та штатида тўрт кун давомида хуруж қилган кучли қуюн 37 кишининг ҳаётига зомин бўлди, деб ёзади Associated Press агентлиги.**

Уммон ва атмосфера муҳитини тадқиқ этувчи миллий бошқармадаги мавжуд маълумотларга қараганда, АҚШнинг кўпгина ҳудудларида камида 65 та қуюн аҳолига катта ташвиш келтирди. Умуман, табиий офатдан мамлакатнинг 16 штати жиддий зарарланди. Қуюннинг таъсири мамлакатнинг жануби ва ўрта ғарбида, айниқса, яққол сезилди. Арканзас штати қуюндан энг кўп зарар кўрди.

### ЯРАДОРЛАРНИНГ АҲВОЛИ ОҒИР

**Reuters агентлиги тарқатган хабарда айтилишича, Хитойнинг Урумчи шаҳри вокзалида юз берган портлаш оқибатида 3 киши ҳалок бўлди, 79 киши жароҳатланди.**

Шифокорларнинг таъкидлашига кўра, ярадор бўлганларнинг аксарияти оғир аҳволда. Урумчи шаҳрига ташриф буюрган Хитой Халқ Республикаси раиси Си Цзиньпин портлашнинг бевосита гувоҳига айланди. Воқеа хусусида тўлиқ маълумотларга эга бўлган давлат раҳбари терроризмга қарши курашни кучайтиришни ваъда қилди.

### ҚОТИЛЛАР НОМИ МАЪЛУМ

**Венесуэла ҳукумати миллий разведка хизмати собиқ бошлиғи Элиэсер Отаисанинг қотиллари шахсларини аниқлади.**

Мамлакат президенти Николас Мадуронинг маълум қилишича, собиқ разведкачини ёлланма қотиллар ўлдиришган. Бироқ, у қотилларнинг исм-шарифларини маълум қилмади. Унинг сўзларига қараганда, айни пайтда ҳукумат ушбу жиноятчиларни тутиш билан банд.

Отаиса кейинги вақтларда Каракас шаҳри муниципал кенгашларидан бирини бошқараётган эди. Мамлакат ички ишлар вазири Мигел Родригеснинг сўзларига кўра, Отаисанинг жасади Арагуата туманидан топилди. Шунингдек, унинг машинасини ҳам бир неча ўқ тешиб ўтган экан.

Уго Чавес ҳукумат тепасига келгандан сўнг Отаиса унинг шахсий қоровули бўлиб ишлади. Сўнгра таъсис мажлисини, миллий разведка хизматини бошқарди. У аграр ислоҳотларни амалга оширган идора раиси ҳам бўлганди.

### ҚИММАТГА ТУШГАН ҚИЙМА

**Чехиянинг улгуржи савдо тизимларида сотилаётган катта миқдордаги гўшт қиймаси йиғиштириб олинди. Сабаби – унинг таркибида от гўшти бор экан.**

Ушбу қийма асосан Чески Тешин шаҳридаги супермаркет тармоқларига етказиб берилган эди, дея аниқлик киритди давлат қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат нозирлиги вакили Павел Корпжива. "Лаборатория таҳлили мол гўшти қиймаси таркибида 60 фоиз от гўшти бор эканини кўрсатди", деди у.

Нозирларнинг тахминларига қараганда, Чески Тешин шаҳридаги супермаркет ходимлари ўтган йили ҳам қиймага от гўшти қўшганлари учун қўлга тушиб, огоҳлантирилган. Бироқ, ўшанда бу маҳсулотни йўқ қилиш ўрнига омборда сақлашган ва орадан шунча вақт ўтказиб, қайта савдога чиқаришган.

Бу қилмишлари учун энди супермаркет эгалари 100 минг крон (5 минг доллар)га яқин миқдорда жарима тўлашга мажбурлар.

### КИТНИНГ ЎЛИГИ ҲАМ ХАВФЛИ

**Канаданинг кичкинагина Траут Ривер шаҳри қирғоқларида 25 метр узунликдаги улкан кит жасади пайдо бўлди.**

Ерлик аҳоли кит танасидан ўта нохуш ҳид таралаётганидан қаттиқ хавотирда. Бундан ташқари, "Вести. Ру" агентлигининг маълум қилишича, кит жасади ичакларида катта миқдорда газ тўпланиши оқибатида портлаш ҳам юз бериши мумкин экан.

Бироқ, Канада балиқчилик бошқармаси вакили Жек Лоусон бошқача фикрда. "Ушбу баҳайбат денгиз махлуқининг жасади портлаб кетиши мумкинлиги эҳтимолдан анча йироқ, – деди у. – У табиий йўсинда аста чириб, йўқ бўлиб кетса керак".

Биологларнинг айтишича, ўтган йил ноябрь ойида бир китнинг шундай жасади Фарер оролларида ҳақиқатан ҳам портлаб кетиб, маҳаллий музей ходимларидан бирининг ўлишига бир баҳя қолган экан.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

Эгрилик ҳамиша панд беради

## ЎЗГАНИНГ УЛОВИНИ БОШҚАГА ПУЛЛАБ...

**Киши ҳаётда бир бор янглишдими, қилмишига яраша хатосини тан олиши керак аслида. Йўқса: "Йиқилган курашга тўймас" деганларидек, ўзини оқлаш баҳонасида турли важларни пеш қилиб, тегишли идора вакиллари вақтини зое кетказиб, ортиқча оворагачиликларни келтириб чиқараверади.**

**Асли чустлик бўлиб, Олмалиқ шаҳрида яшаб келган Иззатилла (исми ўзгартирилган) олий маълумотли, беш фарзанднинг отаси, ҳаётнинг баланд-пастини фарқлай биладиган ёшга етганда жиноий қилмишига иқрор бўлишни ўзига "эп билмаган" кўринади.**

У ўзгалар ишончини суиистеъмол қилиб, мўмай пул топишни ўзига касб қилиб олди. Шу мақсадда қармоғига илинган кимсаларнинг номида бўлган енгил автомашиналарни келишилган миқдорда пулини бериб туриш шарти билан ижарага олиб, кўп ўтмай уловларни сотишга қонуний ваколати бўлмаса-да, ўзга шахсларга пуллаб келган. Натижада, ҳақиқий мулк эгаларига катта миқдорда моддий зиён етказди.

Жумладан, оққўрғонлик Турсунбойни алдаб, турли йўллар билан ишончини қозонди. Унинг номида бўлган "NEXIA-2" русумли автомашина пулини ҳар ой бўлиб тўлаб туриш шарти билан 42 миллион сўм эвазига 3 йил муддатга ижарага олди. Иззатилла ушбу автомашинани қонуний тарзда сотиш ҳуқуқи бўлмаса-да, Обид исмли шахсга "пулини бирваракайига эмас, бўлиб-бўлиб тўлайсан, фақат бир йилдан сўнг машинани номингга ўтказиб бераман" деб айтади. Машинани унга 10 минг 500 АҚШ долларига сотади. Обид берган 9 минг 500 АҚШ долларини ўз эҳтиёжлари учун сарфлаб юборди. Унинг "Ўзганинг дўпписини бошқасига кийдириш" усулида амалга ошириб келган операцияси натижасида Турсунбой 42 миллион сўм, Обид эса "Марказий банк"нинг сўмга нисбатан белгиланган қиймати бўйича 20 миллион сўмдан зиёд моддий зарар кўрди.

Бундан ташқари, бу кимса яна 11 фуқарони осонликча тузоғига илинтирди ва катта миқдордаги пулни ҳеч иккиланмай ўз эҳтиёжлари учун ишлатиб юборди.

Иззатилла ҳаккалак отган нафсининг ҳовурини босиш учун орада майда ишлар билан ҳам шуғулланаверди. Бир сафар Фурқат исмли шахснинг дўконидан 1,5 миллион сўмлик



"LG" телевизорини пойтахтдаги "Чуст оши" чойхонасида фойдаланиш учун олиб, уни терговдаврида аниқлашнинг имкони бўлмаган бошқа бир шахсга 350 АҚШ долларига сотиб юборди.

Яқинда Жиноят ишлари бўйича вилоят суди апелляция инстанцияси томонидан Олмалиқ шаҳар судининг жиноятчига нисбатан чиқарган ҳукми ўзгаришсиз, судланувчи ва адвокатнинг апелляция шикоятларини қаноатлантирмасдан қолдириш тўғрисидаги ажрими чиқди. Унга кўра Иззатиллага қўлланилган 7 йилу 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўз ҳолича қолдирилди.

Иззатиллага нисбатан дастлабки суд жараёнидаги ҳукм жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатмалари, жабрланувчиларга етказилган моддий зарарлар қопланмагани, транспорт воситаларини баҳолаш ҳақидаги экспертиза хулосалари ҳамда фирибгарлик, ўзганинг мулкини ноқонуний қўлга киритиш каби жиноий ҳаракатлари судда тўпланган бошқа далиллар билан тўлиқ ўз тасдиғини топиб, Жиноят кодексининг тегишли моддаси билан тўғри классификация қилингани эътироф этилди.

Энди ўз "иззати"ни билмаган Иззатилла апелляция шикояти билан ҳийла-найрангларини ўтказолмагач, жиноий қилмишларидан тўғри хулоса чиқариш учун белгиланган муддатни панжара ортида ўтказади.

**Шерамат ОБИДОВ, вилоят прокуратураси бўлим катта прокурори.**

Рассом хандаси




ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир **Убайдулла АБДУШОҲИДОВ**

**Манзилимиз:** 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
**e-mail:** th.tp@mail.ru

**Телефонлар:**
Қабулхона: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-12-83, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 233-56-03, 233-65-59.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир **Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ**
Навбатчи **Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ**
Саҳифаловчи **Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ**

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма J 9811. Адади 15534. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. **ISSN 2010-9318.**

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. *"ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй.* Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 18.00.